

Жаннат дарёлари қаердан оқиб чиқади?



19:05 / 28.11.2018 5155

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким Аллоҳга ва Расулига иймон келтирса, намоз ўқиса, рўза тутса, уни жаннатга киргизиш Аллоҳнинг зиммасида бўлади, у Аллоҳ йўлида ҳижрат қиладими ёки (ҳижрат қилмай) туғилган юртида қоладими, фарқи йўқ", дедилар.

Саҳобалар: "Эй Расулуллоҳ, инсонларга бу хушxabарни етказайликми?" деб сўрашди.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Жаннатда юзта даража бор, уни Аллоҳ йўлида жаҳд қилувчилар учун тайёрлаб қўйган. Ҳар икки даражанинг ораси осмон билан ерча. Бас, агар Аллоҳдан сўрасангиз, Фирдавсни сўрангиз. Чунки у жаннатнинг энг олий ва баландидир, унинг шифти - Аллоҳнинг Арши. Ўша ердан жаннат дарёлари оқиб чиқади"

Бухорий ривоят қилган.

Қатода айтади: "Фирдавс - жаннатнинг энг олийси, энг ўртаси, афзали ва энг баландидир".

Баъзилар: "Фирдавс ҳамма жаннатларни ичига олган умумий ном, худди жаҳаннам барча дўзахларнинг умумий номи бўлганидек. Масалан, Аллоҳ таоло Мўминун сурасининг аввалида мўминларнинг сифатларини мақтаб, сўнг: "Ана ўшалар Фирдавсга меросхўр бўладиган ворислардир. Улар ўша жойда мангу қолурлар", деган. Яна Маъориж сурасида худди шундай сифат эгаларини: "Ана ўшалар жаннатларда ҳурмат-иззат кўргувчилардир", дейди. Бундан биламизки, Фирдавс битта жаннат эмас, балки бир нечта жаннат экан", дейдилар.

Ваҳб ибн Мунаббаҳ ҳам шундай фикрда.

***Имом Қуртубийнинг
"Тазкира"сидан***